



# Халқ сўзи

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 19 сентябрь, № 199 (7701)

Шанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

## КОММУНАЛ СОҶАДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ВА ТАРИФЛАР МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР БИЛАН КЕЛИШИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 сентябрь куни ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари коронавирус билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтди. Касаллик ҳамон бутун дунё бўйлаб кенг тарқалаётгани, сўнгги кунларда юртимизда ҳам беморлар сони кўпайгани афсус билан қайд этилди. Темир интизом ва тартибни таъминлаб, барча жойларда санитария талабларига қатъий амал қилиш кераклиги яна бир бор таъкидланди.

Куз мавсумида шомоллаш кўпайиши, коронавирусга қўшимча бошқа касалликларнинг орттиши инobatга олиб, беморлар учун яратилган заҳирани ўзинларини кўпайтириш, зарур табиий жиҳозлар ва дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Биринчи навбатда, тиббиёт ходимлари ва мактаб ўқитувчиларини, 65 ёшдан ошган кексаларни грипга қарши эмлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Коммунал тармоқларнинг барқарор фаолияти аҳоли турмуш сифатини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан. Шу боис давлатимиз томонидан бу масалага доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Жорий йил 17 июль куни ўтган видеоселектор йиғилишида соҳадagi муаммолар муҳокама қилиниб, ишни янги тартибда ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилган эди.

Шунга мувофиқ, ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимидagi лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш, шунингдек, тарифларни белгилашни маҳаллий Кенгашлар билан келишиш тартиби жорий қилинмоқда. Мисол учун, Олмаликдаги ичимлик суви таъминоти қоронгасига қаралиб 52 та насос янгилаштириш натижасида қоронганинг умумий харажати 22 фоиз, электр энергияси сарфи 2 баравар қисқарган. Шаҳар аҳолиси сифатли ичимлик суви билан узлуксиз таъминланмоқда. Худди шунингдек, сўнгги 3 йилда амалга оширилган лойиҳалар натижасида Гулистон шаҳрининг ичимлик суви таъминоти масаласи ҳам тўла ҳал бўлди.

Йиғилишда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига ушбу тажриба асосида келгуси йил учун мўлжалланган 28 та янги лойиҳани маҳаллий Кенгашлар билан келишиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, жорий йилда якунига етказиладиган 360 та лойиҳани қабул қилиб олиш бўйича топшириқ берилди.

Хисоб-китобларга кўра, қарийб 2 мингта аҳоли пунктига марказлашган сув етказиб бериш техник жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Шу боис бундай ҳудудларни хусусий сек-

тор орқали сув билан таъминлаш маъқул келмоқда.

Мисол учун, Ўзбекистон туманида ижтимоий шериклик асосида қудуқ ишга туширилиб, 6 та узоқ қишлоқдаги 11 минг аҳоли ичимлик суви билан таъминланган эди. Бунга кетган харажатлар 2 йилда ўзини қоплади. Шунингдек, Амударё туманида 8 та сув тозалаш шохб-часи қурилиб, 5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган 7 та маҳалла тоза ичимлик суви билан таъминланган. Лойиҳа 3 йилда ўзини оқлайди.

Бу тизимнинг қулайлиги шундаки, ичимлик суви объектида қуриш ва усуналар харид қилиш учун хусусий секторга кредит берилиб, унинг 14 фоизидан юқори қисмига давлат томонидан субсидия ажратилади. Бугунги кунда кўплаб тадбиркорлар шундай лойиҳаларда иштирок этиш истагини билдирмоқда.

Йиғилишда мамлакат бўйлаб 27 та туманда ичимлик суви билан таъминлаш ишлари танқид қилинди. Мавжуд 70 минг километр сув қувурларининг 32 фоизи эскирган. Оқибатда улардаги йўқотишлар даражаси 40 — 50 фоизни ташкил этмоқда. Бу йилга қарийб 500 миллион куб метр сув ёки ўртача 300 миллиард сўм дегани. Бундан ташқари, жойлардаги насос усуналари ва насос техникалар ҳам таъмирталаб бўлиб қолган.

Шу боис келгуси йилдан инвестиция дастурларида соҳага ажратилаётган маблағнинг 10 фоизини сув объектига энергия тежовчи усуналар ўрнатиш ҳамда насос техникалар харид қилиш учун йўналтириш зарурлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектиларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Бу йил қиш совуқ келиб, ҳаво ҳарорати олдинги йилларга нисбатан 2 — 5 даража паст бўлиши кутилмоқда. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига туман ва шаҳарлардаги ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб, куз-қишга тайёргарлик юзасидан Тошкент шаҳрининг 12 та тумани, Қорақалпоғистон ва ҳар бир вилоят бўйича алоҳида алоҳида қарор қабул қилиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Тошкент шаҳри туманларига, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари вилоятларга шу масалалар бўйича масъул этиб бириктирилди. Тайёргарлик ишларини, энг аввало, бу борада аҳвол оғир бўлган 56 та туман ва шаҳардан бошлаш кераклиги таъкидланди.

1 ноябрга қадар 3 мингдан зиёд таъмирга муҳтож кўп қаватли уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, 131 та ижтимоий соҳа объектини муқаммал ва 3 минг-

тасини жорий таъмирлаш вазифаси қўйилди. Тиббиёт ва таълим муассасаларининг тайёргарлик ҳолати кўриб чиқилди.

Бу йил куз-қиш мавсуми учун 6 миллион тонна кўмир махсуслотлари зарурлиги қайд этилиб, уларни гамлаш ва етказиб бериш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Кўмир арзон бўлиши учун уни импорт қилувчи тадбиркорларга темир йўлда ташиш бўйича чегирма бериш муҳимлиги таъкидланди.

Бош прокуратурага кўмир нархини асосис ошириб юбориш, тамагирлик ва талон-тороғ ҳолатларининг олдини олиш юзасидан кўрсатма берилди.

“Худудга таъминот” акциядорлик жамиятига табиий газ танқис ҳудудларга 385 минг тонна суолтирилган газ етказиб бериш вазифаси қўйилди.

Жорий мавсумда электр энергиясига талаб ўтган йилдагига нисбатан 7,5 фоиз кўп бўлиши кутилмоқда. Бу соҳа барқарор ишлаши учун иссиқлик электр станцияларини табиий газ ва мазут билан таъминлаш, электр тармоқлари, подстанция ва трансформаторларни таъмирлаш муҳимлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида ҳукумат аъзолари, тегшли тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари ахборот берди.

Ў.А.

## Олий Мажлис Сенати

### ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА СУДЬЯЛАРНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

Гендер тенглик, бу — мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи индикатор. Бугунги кунда мамлакатимизда аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш, уларни турли масъулиятли лавозимларга тайинлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада аёлларимиз депутат, сенатор, ҳоким, элчи, прокурор, судья, солиқчи каби масъулиятли лавозимларда меҳнат қилапти.

Шу билан бирга, хотин-қизларнинг давлат ҳамда жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга эътиборни кучайтириш талаб этилади. Жумладан, хотин-қизларнинг эркеклар билан тенг даражада давлат ҳамда жамият бошқарувида оид долзарб масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда иштирокини кенгайтиришни таъминлаш лозим.

Зеро, улар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир ишларга етарли даражада жалб этилмапти. Давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ҳамда эркеклар ишнинг сифатини баҳолаш, лавозимда кўтарилиш масалалари бўйича тенг имкониятларни яратишга қаратилган гендер тенгликни таъминлаш мезонлари мавжуд эмас.

Хотин-қизларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги фаолияти тўғрисида жамиятда мавжуд айрим салбий қарашлар эса уларнинг сиёсий жараёнларда ўз оёқларини илгари суришига тўсқинлик қилмоқда.

Тахлилларга кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган жами 1 млн 206 судьядан 1 млн 50 нафари эркеклар бўлиб, аёл судьялар атиги 156 нафар, яъни 12,9 фоизни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судида фаолият олиб бораётган жами 62 судьядан 15 нафари аёл судьялардир. Бу рақам 24,2 фоизга тенг. Кеча Олий Мажлис Сенати, Олий Суд томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ҳамда АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) билан ҳамкорликда “Гендер тенглигини таъминлашда судьяларнинг ўрни” мавзусида ўтказилган амалий семинарда шу каби масалалар ўртага ташланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Олий суд, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзолари иштирок этди. Шунингдек, хорижий экспертлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари муҳокамага видеоконференцада воситасида боғланди.



### ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ БИР ТОМОНЛАМА ВОСИТАГА АЙЛАНИБ ҚОЛМАСЛИГИ ЗАРУР

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан “Ислохотларнинг туб моҳиятини кенг жамоатчиликка очиб ва ошқора етказиш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда қўмита аъзолари, вазирлик ҳамда идоралар ва оммавий ахборот воситалари (ОАВ) вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда ислохотларнинг туб моҳиятини кенг жамоатчиликка очиб, ошқора тушунарли тил ҳамда услубларда етказиб долзарб масала бўлиб қолимоқда. Мазкур фаолиятда ҳолислик, тизимлилик, доимийлик ва изчилликни, илмий ҳамда амалий жиҳатдан асосланганлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат, бир-бирининг маффаатларини ҳисобга олиш, бошқаруви ички ишларига аралашмаслик, ОАВнинг эркинлиги ҳамда мустақиллигини таъминлаш асосий тамойиллар бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

Бироқ қатор ижтимоий тармоқларда чоп этилаётган, жойлаштирилган мақола ва чиқишлар қўмита томонидан ўрганилиб, таҳлил қилинган, аён бўлмоқдаки, баъзан ноҳолис, чуқур таҳлил қилмай, палпартиш хулосалар билан жараёнларга баҳо бериш, жузъий камчиликни бўрттириб, ваҳима ясаш, ҳатто ёлгон (фейк) хабарлар тўқиб, жамоатчилик эътиборини тортиш каби ҳолатлар учрапти.

Бунга кўп жиҳатдан вазирлик ва давлат бошқаруви идоралари ҳамда мутасадди ташкилотлар томонидан ўз фаолияти ҳақида жамоатчиликни вақтида ва батафсил хабардор қилмаслиги, маълумотларни кенг оммага тушунарли шаклда етказишга жиддий эътибор қаратмаётгани ҳам сабаб бўлмоқда.



## Мулоҳаза

### СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАР СОНИНИ ЯШИРЯПТИМИ?

Аҳоли даромадини ошириш, камбағалликни қисқартириш, “темир дафтар”га киритилган оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзосини иш билан таъминлаб, шу орқали уларни муҳтожликдан чиқариш чораларини кўриш ҳақида кўп гапиряпмиз. Бу, айниқса, ҳозирги пандемия шароитида кеңиштириб бўлмайдиган, кун тартибидан ўрин олган асосий масалага айланади.

Шундан келиб чиқиб, карантин шароитида ишсиз, даромадсиз қолган эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож оилаларни маҳаллада шакллантирилган шаффоф рўйхат асосида қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича катта ҳақида иш олиб борилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган “2020-2021 йилларда иқтисодиётда таркибий ислохотларни тиклаш ва давом этириш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини ҳамда даромадларини ошириш, аҳоли-

нинг эҳтиёжманд қатламларига имтиёзлар қўллаш тамойиллари белгилаб берилди.

“Йўл харитаси”нинг 39-бандида халқаро тажриба асосида камбағалликни баҳолаш мезонлари ва уни аниқлаш усуллари ни ўз ичига олган методологияни ишлаб чиқиш жорий йилнинг октябрь ойида, 40-бандида камбағалликни баҳолаш мезонлари ҳамда уни аниқлаш усуллари ни ўз ичига олган методологияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда халқаро тажрибага асосланиб, Фарғона вилоятининг Тошқоқ тумани мисолида таҳлил этиш кўрсатиб ўтилди.



## Мушоҳада

### ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИгини ЮКСАЛТИРИШ ЙўлиДАГИ ҲАЁТБАХШ ДАВВАТ

Мустақиллик йилларида янги ўзбек миллий ҳуқуқий тизими шаклланди. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган конституциявий ва ҳуқуқий асослар яратилди, инсон ҳуқуқларига оид қонунлар тизими барпо этилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколнинг бевосита иштирокчиси.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги маърузасини тинглаган давлатлар раҳбарлари, дунё жамоатчилиги Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ўзгаришларга юксак баҳо берди. Бу мамлакатда давлат, жамият ва фуқароларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси

тамойиллари ҳамда кадрларига эътиборини кучайтириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган самарали тадбирлар амалга оширилаётганидан далолатдир. “Миллий юксалиш” — мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккури, ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтариш йўлидаги ўзинга хос ҳаракатдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсонлар ҳаётини, дунёқараш ҳамда турмуш тарзини ўзгартирмоқда.



## «Европа мобил ҳафталиги»:

### ТАШҚИ МУҲИТГА ЗАРАР ЕТКАЗМАГАН ҲОЛДА ҲАРАКАТЛАНИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистонда “Европа мобил ҳафталиги” доирасида илк бор “Тошкент шаҳрида ташқи муҳитга зарар етказмаган ҳолда ҳаракатланиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш истиқболлари: муаммо ва ечимлар” мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

## «Халқ сўзи» учун махсус

Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Транспорт ҳамда Ички ишлар вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Европа Комиссиясининг мобиллик ва транспорт бўйича бош директори ўринбосари Мэтью Болдуин, мамлакатимиз вазирлик ҳамда идоралари, шунингдек, БМТнинг Ўзбекистондаги тузилмалари вакиллари, Нидерландия, Туркия каби давлатлардан йўл ҳаракати хавфсизлиги, велосипед ҳамжамаиятларининг 40 дан зиёд мутасаддилари, дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Видеоконференция шаклида ўтказилган анжуманда жамоатчилик эътибори йўл ҳаракати хавфсизлиги масалаларига жалб этилиб, Тошкент шаҳрида хавфсиз ҳаракатла-

ниш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

Тадбирда “Европа мобил ҳафталиги”ни муваффақиятли ўтказиш, йўл ҳаракати қатнашчилари орасида ўлим ҳолатини камайитиришга эришиш ва транспорт воситаларининг атраф-муҳитга углерод ажратишини ноль даражага камайитириш имкониятлари ўрганилди.

Таъкидлаш жоиз, бугун дунёдаги урбанизация ва саноат тараққиёти мегаполис шаҳарлар ҳавосининг ифлосланишига олиб келмоқда. Хусусан, “AirVisual” маълумотларига кўра, Тошкент шаҳри ҳавоси ифлосланган ҳудудлар рейтингини 16-ўринда қайд этилади. Хар йили автотранспорт воситаларидан ўртача 395 минг тонна зарарли моддалар ҳавога кўтарилади.



## Ўзбекистон сув ҳўжалиги:

### ЙўҚОТИЛГАНЛАРНИ ТИКЛАБ, ОЛДИНГА ИНТИЛИШ ЛОЗИМ

Президентимиз раислигида 16 сентябрь куни ўтказилган, сув ҳўжалигида тежамкор технологияларни жорий этиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари масаласидаги видеоселектор йиғилиши ушбу тармоқнинг республикамиз иқтисодиёти ва қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришдаги ҳал қилувчи аҳамиятига давлат раҳбари қанчалик катта эътибор бераётганини яна бир бор кўрсатди. Сув танқислиги муаммоси ўткирлашиб боргани сари бу тармоқнинг роли янада ортмоқда.

## «Халқ сўзи» учун эксклюзив

Йиғилиш давомида кўтарилган масалалар сув ҳўжалиги комплексини давлат бошқарувининг сув таъминоти ва мелiorацияни ривожлантириш учун масъул бўлган ҳудудда бир тузилмаси сифатида тан олишга қаратилган, изчил амалга оширилаётган сиёсатнинг муҳим таркибий қисмидир. Ана шу сиёсатни рўёбга чиқариш учун давлатимиз раҳбари томонидан Сув ҳўжалиги вазирлигини узоқ муддатли танаффусдан сўнг қайта ташкил этиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилинди. Бу эса, мамлакат раҳбариятининг сув ҳўжалиги ва ерлар мелiorациясини бутун бир тармоқ сифатида баҳолашдан далолат.

Фикримизча, сув ҳўжалигига нисбатан бундай комплекс ёндашув қишлоқ ҳўжалиги ва умуман, икти-

## Сув чўлга ҳаёт бахш этган

Ўзбекистон тарихига назар ташласак, ҳамма замонларда сув нафақат республика раҳбариятининг диққат марказида бўлиб келган, балки у ҳудудларни ривожлантириш, ҳам саноат, ҳам уй-жой ва транспорт, ҳам турли коммуникациялар — мухтасар айтганда, инфратузилмани жадал тараққий эттиришга ундаган.





«Европа мобилъ ҳафталиги»:

ТАШҚИ МУҲИТГА ЗАРАР ЕТКАЗМАГАН ҲОЛДА ҲАРАКАТЛАНИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида шаҳар инновацион концепцияси ишлаб чиқилди.

Кайд этилишича, концепция доирасида Туркия компанияси билан ҳамкорликда шаҳарда транспорт ҳаракатини мувофиқлаштириш, манзилга тез ва хавфсиз етиб бориш кўрсаткичларини кўриб чиқиш, ҳаракатланиш тизимини автоматлаштириш ишлари олиб борилмади.

Бугунги кунда концепцияга мувофиқ, аҳоли дизель ёнилғисидан ҳаракатланувчи транспорт воситаларидан велосипед ва электромобиллардан фойдаланишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Европа Иттифоқи грант маблағлари ҳисобидан Тошкент шаҳрининг Алишер Навоий, Шаҳрисабз, Амир Темури, Шароф Рашидов, Ислоҳ Каримов каби марказий кўчаларида 12 километр узунликдаги велосипед йўлакларини қурилмоқда. Бектемир ҳамда Сергели туманларини қамраб олган ҳолда 2022 йилга қадар 656 километр ма-софадаги пидедалар ва велосипед йўлакларини яратиш лойиҳалари рўйбга чиқарилади. Шундан жорий йил якунигача 12 йўнал-лишда 173,8 километрлик велосипед йўлак-ларини қуриб битказиш режалаштирилган.

Мулоқот чоғида атроф-муҳитга углерод ажратишни камайтириш, экологик тоза транспорт воситаларида ҳаракатланиш ма-даниятини юксалтириш, шу билан бирга, ёшлар ва ота-оналарнинг йўл ҳаракати

хавфсизлиги бўйича хабардорлигини оши-риш юзасидан фикрлар ўрганилди.

Тадбир шуъба мажлисида Европа Итти-фоқининг йўл ҳаракати хавфсизлиги лойи-ҳаси директори, Нидерландиянинг "DATS Consulting" компанияси бошқарувчи дирек-тори Аднан Раҳмон маъруза қилди.

Кайд этилишича, дунё аҳолисининг ур-банизациялашуви ортиши кузатилаётди. Шу боис шаҳар инфратузилмаси ва йўл тизими хавфсиз бўлса-да, аҳоли орасидаги ўлим ҳолати айнан шаҳарларда ортиб бормоқда. Йўқотишларнинг олдини олишда транспорт ҳаракатлари, унинг кўрсаткичлари ҳамда со-дир бўлаётган ўлим ҳолатлари сабаби ҳақидаги маълумотларни ягона таҳлил мар-казларида жамлаш ва ўрганишлар асоси-даги хулосаларни таҳлил қилиш жоиз.

Аднан Раҳмоннинг фикрича, бу борадаги интилишлар умуммиллий ҳаракат касб эт-ган тақдирдагина ўз самараларини беради. "Европа мобилъ ҳафталиги" бунинг учун қулай платформа бўлиб хизмат қилади.

Видеоконференцияда Европа Иттифоқи-нинг Туркиядаги лойиҳалари раҳбари Гўкту-р Карамаммактам таърифи ҳақида сўзлаб берди.

"Бугунги кунда Туркия шаҳарлари "Евро-па мобилъ ҳафталиги"нинг фаол иштирок-чилари ҳисобланади. 2018 йилдаги ҳафта-ликда Туркиянинг иккита шаҳри қатнашган бўлса, бугунги кунда ушбу мамлакатнинг ўзидан 500 дан ортиқ ҳудудлар иштирок эт-

моқда. Транспорт тизими ҳаракатини сама-рели ташкил қилиш учун аввало, ушбу орган-лар ишини тўғри тақсимлаш зарур. Шундан-гина фаолиятда ривожланишнинг нафақат жорий ҳолати, балки истиқболдаги тенден-цияларини ҳам инобатга олиш мумкин бўла-ди", деди туркиялик эксперт.

Мулоқот чоғида халқ таълими вазири ўрин-босари Дилшод Кенжаев ёшларнинг ҳаракат хавфсизлиги борасидаги билимларини оши-риш, таълим тизимига қамраб олишда ҳудуд-лардаги хавфсизлик чоралари бўйича Ўзбе-кистон қонунчилиги таърифи, миллий ёнда-шулар ҳақида маълумот берди.

— Қонунчиликка кўра, мамлакатимиздаги ҳар бир мактаб ўз микроҳудудига эга, — деди вазири ўринбосари. — Мактаблар ўз ҳудудлари ёшларини қамраб олишни таъ-минлайди. Бунда мактаб жойлашуви, ҳудуд-нинг йўл қатнов қисмидаги хавфсизлиги, транспорт ҳаракатланиши тезлигининг чек-ланганлиги инобатга олинади. Шунингдек, хавфсиз ҳаракатланиш бўйича ўқувчилар би-лимини ошириш мақсадида жорий йилдан факультатив дурс ва машғулотлар ташкил этилмоқда.

Давра суҳбатда ҳафталик якуний хулоса-ларини Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавф-сизлигини ошириш бўйича келгусидаги чора-тадбирларда қўллашга келишиб олинди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ, «Дунё» АА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

2021 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит — 1 ўрин;
08.00.13 — Менежмент — 1 ўрин;
12.00.02 — Конституциявий ҳуқуқ, Маъмурий ҳуқуқ, Молия ва боғхона ҳуқуқи — 1 ўрин;
22.00.01 — Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари — 1 ўрин;
23.00.02 — Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар — 1 ўрин.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
— илмий раҳбар (маслаҳатчи)нинг ёзма розилиги;
— паспорт нусхаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади. Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонлари топширади.

ДОКТОРАНТУРА

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 22.00.01 — Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари — 1 ўрин.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
— илмий раҳбар (маслаҳатчи)нинг ёзма розилиги;
— паспорт нусхаси.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК

(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

- 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит;
08.00.13 — Менежмент;
12.00.01 — Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи;
12.00.02 — Конституциявий ҳуқуқ, Маъмурий ҳуқуқ, Молия ва боғхона ҳуқуқи;
22.00.01 — Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари;
22.00.02 — Иجتимоий тузилиш, иجتимоий институтлар ва турмуш тарзи;
22.00.03 — Иجتимоий онг ва иجتимоий жараёнлар социологияси;
23.00.02 — Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар;
23.00.03 — Сиёсий маданият ва мафкура.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
— илмий раҳбар (маслаҳатчи)нинг ёзма розилиги;
— паспорт нусхаси.

Эслатма: талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг веб-сайти (http://phd.mininnovation.uz) рўйхатидан ўтади ва ҳужжатлар электрон (PDF) тарзда юкланади.

Ҳужжатлар 2020 йилнинг 15 октябрга қадар қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Алоқа учун телефонлар: 71-232-60-63, 71-232-60-67. Электрон манзил: gulnora\_bekimbetova@mail.ru

ЭЪЛОНЛАР

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

Босқичма-босқич ошиб бориш шаклидаги очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига «Асака» банк Юнусобод филиалининг 2020 йил 15 сентябрдаги №1861/13-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, ТҲАЙ, Чимкент йўли, 79-уйда жойлашган, «Асака» банк Юнусобод филиалига тегишли ер участкасининг умумий майдони 925 кв.м., бинонинг умумий майдони 574 кв.м. бўлган 2 қаватли биноси очик аукцион савдосига қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 4 780 085 400 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар томонидан тўланадиган закалат пули объект бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Савдо ғолибига сотувчи билан олди-сотди шартномасини 20 кун ичида имзолаш ва закалат тўловини ҳисобга олган ҳолда шартномадаги қолган қисмини олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб 30 кун ичида тўлаш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоси 2020 йил 12 октябрь куни соат 11.00 да, шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий савдолар 2020 йилнинг 26 октябрь, 9 — 23 ноябрь, 7 — 21 декабрь кунлари соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 68-«А» уйда бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагини билдирган шахслар закалат пули тўғрисидаги келишувни ҳамда риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан, талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартнома имзоланганидан сўнг, объект бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: — юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманин нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси; — жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси; — закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Талабгорлардан буюртманомалар қабул қилиш эълон чиққан санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 68-«А» уйда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Қўшимча маълумотларни realtor.uz веб-сайтимиёки 95-170-78-13 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. Хизматлар лицензияланган RR — №0008.

Тошкент кимё-технология институти

2021 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 01.02.04 — Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси;
02.00.05 — Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси;
02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар;
02.00.08 — Нефть ва газ кимёси ва технологияси;
02.00.09 — Товарлар кимёси;
02.00.11 — Коллоид ва мембрана кимёси;
02.00.13 — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси;
02.00.14 — Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси;
02.00.15 — Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси;
02.00.16 — Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари;
02.00.17 — Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологияси;
05.02.04 — Стандартлаштириш ва маҳсулотлар сифатини бошқариш;
09.00.02 — Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси;
11.00.05 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш.

Талабгор тақдим қиладиган ҳужжатлар:

- ариза;
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий таълим муассасаси магистратураси ёки олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 1 мақола ва 2 та тезис) ҳамда уларнинг нусхалари;
— илмий раҳбарнинг ёзма розилиги;
— паспорт нусхаси;
— 3x4 см. ҳажмда 6 та фотосурат.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар ихтисослик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонлари топширади.

ДОКТОРАНТУРА

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 02.00.13 — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
Талабгор тақдим қиладиган ҳужжатлар:
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий таълим муассасаси магистратураси (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 3 та мақола ва 2 та тезис) ҳамда уларнинг нусхалари;

- паспорт нусхаси;
— 3x4 см. ҳажмда 6 та фотосурат;
Докторантурада ўқиш учун қираётган талабгорлар ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтади.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК

(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

- 02.00.05 — Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси;
02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар;
02.00.08 — Нефть ва газ кимёси ва технологияси;
02.00.09 — Товарлар кимёси;
02.00.13 — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси;
02.00.14 — Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси;
02.00.15 — Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси;
02.00.16 — Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари;
02.00.17 — Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологияси;
11.00.05 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш.

Талабгор тақдим қиладиган ҳужжатлар:

- ариза;
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
— фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёхуд хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 1 мақола ва 2 та тезис) ҳамда уларнинг нусхалари;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 3 та мақола ва 2 та тезис) ҳамда уларнинг нусхалари (DSc);
— иш жойидан тавсифнома;
— паспорт нусхаси;
— 3x4 см. ҳажмда 6 та фотосурат.
Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш 2020 йил 30 ноябрга қадар бўлган муддатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосасига кўра амалга оширилади.

Ҳужжатлар 2020 йилнинг 15 октябрга қадар қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 2020 йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Қўшимча маълумотларни 71-244-39-81 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. http://www.phd.mininnovation.uz/ тизимидан рўйхатдан ўтиш лозим.

Манзилимиё: Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 32-уй. Тошкент кимё-технология институти, Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.

